

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

ҚОЛДИБЕКОВ ОЙБЕК ЯХШИБОВЕВИЧ

**НУРОТА ТОҒ-МАЪДАНЛИ ҲУДУДИ ЮҚОРИ ПРОТЕРОЗОЙ
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ БИОСТРАТИГРАФИЯСИ**

04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қолдибеков Ойбек Яхшибоевич

Нурота тоғ-маъданли худуди юқори протерозой ётқизикларининг
биостратиграфияси 3

Қолдибеков Ойбек Яхшибоевич

Биостратиграфия верхнепротерозойских отложений Нуратинского горно-
рудного района 21

Qoldibekov Oybek Yahshiboevich

Biostratigraphy of the Upper Proterozoic deposits of the Nurata maning region 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 43
List of published works

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

ҚОЛДИБЕКОВ ОЙБЕК ЯХШИБОВЕВИЧ

**НУРОТА ТОҒ-МАЪДАНЛИ ҲУДУДИ ЮҚОРИ ПРОТЕРОЗОЙ
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ БИОСТРАТИГРАФИЯСИ**

04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/GM32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар :	Абдуазимова Зоя Муссаевна геология-минералогия фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Евсеева Галина Борисовна геология-минералогия фанлари доктори Стельмах Анна Григорьевна геология-минералогия фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М. Губкин номидаги россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (998) 71253-09-78, факс: (998) 71250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (998) 71253-09-78, факс: (998) 71250-92-15.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Ф.Г. Долгополов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида юқори протерозой ётқизикларининг биостратиграфияси ва улар билан боғлиқ фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлишини аниқлаш, геология соҳаси олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқори протерозой ётқизикларини биостратиграфик тадқиқ қилишдан асосий мақсад, шу давр билан боғлиқ органик дунёнинг эволюцияси ва уларнинг аҳамиятини аниқлаш ҳисобланади. Бу борада, юқори протерозой ётқизикларидаги эндоген маъданлашувнинг истиқболини аниқлашга қаратилган геологик-тасвирлаш ва қидириш ишларини биостратиграфик тадқиқотлар билан биргаликда олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида (Россия, Австралия, АҚШ ва бошқаларда) биостратиграфия соҳасида янги истиқболли йўналиш ривожланмоқда. Бу йўналиш чўкинди қўкиш жараёнида ва фойдали қазилма конлари шаклланишида микроорганизмларнинг ўрнини аниқловчи бактериал палеонтологиядир. Ушбу йўналиш қадимги давр маъдан ва чўкинди тўпланиш шароити, ҳозирги замон ўрта океан тизмасидаги “қора тутун пурковчилар” фаол жойларда чўкган металл чўкиндилар билан таққослашга шунингдек юқори аниқликка ва ўта сезгирликка эга аналитик асбоб-ускуналардан фойдаланишга асосланади. Бундай илмий ёндашув кўплаб уран, фосфор, темир ва асл металл конларининг ҳосил бўлишини аниқлашда юқори самара бермоқда, бу эса ўз навбатида, янги конларни излаб топиш имконини беради.

Республикада ушбу йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида минерал-хомашё базасини кенгайтириш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, олиб борилган ишлар натижасида юқори протерозой ётқизикларида олтин ва бошқа конларни излашнинг ноананавий мезонлари аниқланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида¹ «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Ғарбий Ўзбекистондаги кўпгина маъданли конлар ва номоёналари билан боғлиқ бўлган юқори протерозой вулканоген-кремний-карбонатли ётқизикларда кенг миқёсидаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ – 4947 «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракат стратегияси ҳақида» ги фармони, Президентнинг 2018 йил 1 мартдаги №ПҚ – 3578 « Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармойиши

хужжатларда белгиланган фазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқ келиши. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII – «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кечки протерозой биоталари Шимолий Америка, Хитой ва Россиянинг купгина ҳудиудларида (Шарқий Европа, Рус ва Сибир платформалари, Кичик Хинган, Олтой-Саян тоғли областлари) топилган, мутахассислар уларни урганишда муҳим факт аниқладилар: Жанубий Тиён-Шоннинг кечки протерозой биоталари тўлиқ ўхшашликка эга, бундай ўхшашлик табиий ҳол, чунки ўша вақтда кенг Палеоосиё океани мавжуд бўлган бўлиб, унинг жуда катта четки денгизлари ўзаро боғланган, бу эса уларарда яшаётган биоталарини узок масофаларга миграциясини осонлаштирган ва бугунги кунда киталараро таққолслашга имкон беради.

Юқори протерозой органик қолдиқларини ўрганиш билан Ch.D. Walcott, M.F. Glaessner and M. Wade, A.V. Nuberg et J.W. Schopf, G. Hahn et H. Pflug, W. Sun, G. Wang, B. Zhou, Ch. Junyuan, M.A. Fedonkin and E.L. Yochelson, V.K. Singh and M. Sharma, B.K. Baludikay et J.Y. Storme, А.Г. Поспелов, З.А. Журавлева, А.М. Станевич, М.Б. Гниловская, В.В. Макарихин, М.Е. Раабен, Т.А. Дольник, О.В. Сосновская и В.А. Шипицын, А.Ф. Вейс, В.Н. Воробьева, Т.Н. Герман, Т.С. Зайцев, Р.Н. Огурцова, А.Ю. Анисимовлар шуғлланишган.

Ўзбекистонда биринчи марта токембрий органик қолдиқлари Букантовда (Марказий Қизилқум) М.А. Ахмеджанов ва Э.Р. Базарбаевлар томонидан 1967 йилда топилган. Булар яхши сақланмаган микрофитолитларнинг яқка топилмалари эди. Ўтган асрнинг 80 йил бошлари ва 90 йилларида дала ишлари жараёнида В.С. Корсаков, З.М. Абдуазимова, Н.В. Александрова ва Россиянинг турли ташкилотлари палеонтологлари В.А. Шипицын, В.В. Макарихин, З.А. Журавлевалар билан бирга ўтказилган маршрутларда кечки токембрий биотасининг бошқа гуруҳлари ҳам топилди: булар турли микрофоссилиялар, микростроматитлар, невлендия биотаси намоёндалари. Биостратиграфия сектори ходимлари ва диссертантнинг кейинги (2008-2018 йй.) биостратиграфик тадқиқотлари юқори протерозой свитасининг палеонтологик характеристикасини қадимий биоталарнинг қолдиқлари топилмалари билан тўлдирди.

Диссертация бажарилган ташкилотдаги илмий-тадқиқот ишлари билан диссертация мавзусининг боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ғарбий Ўзбекистоннинг қадимий қатламларини маъдандорлигини ўрганиш» (2008-2012), «Нурота тоғ-маъданли районининг 1:50 000 масштабдаги палеонтологик ўрганганлик харитасини таёрлаш шунинг дек токембрий, кембрий, ордовик ва силур ёткизикларидаги органик қолдиқларнинг каталогини тузиш» (2009-2013) ва «Геопарк ташкил этишни асослаш

мақсадида Боғамбир тоғини ва унга ёндош ҳудудларни ўрганиш» (2015-2017) мавзуларидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фойдали қазилма конлари ҳосил бўлишининг оптимал шароитларини аниқлаш учун маъданли объектларни ўз ичига олган юқори протерозой ётқизикларини қидиришнинг биостратиграфик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

палентолгия ёрдамида Нурота тоғ-маъданли ҳудудидаги сувликсой, суялтош, боғамбир ва султонбой свиталари қирқимларини ажратиш, ҳудидлараро ва глобал таққослаш;

хар бир свитани биоценозларини таксономик таркиби хусусиятларини аниқлаш ва уларни бошқа ҳудуднинг бир хил ёшдаги биоталари билан таққослаш;

қадимий биота экологик-фацциал туркумларини аниқлаб уларни чўкинди ҳосил бўлишига таъсирини аниқлаш;

металли чўкиндилар шаклланиши учун мос шароитни аниқлаш мақсадида кечки протерозой хавзаларида чўкинди тўпланиш шароитини литологик-биофацциал таҳлил асосида белгилаш;

ушбу свиталар қирқимларидаги органик қолдиқларни ўрганиш ва монографик таърифини бериш.

Тадқиқотнинг объекти Нурота тоғлари ва Маржонбулоқ баландлигида ривожланган юқори протерозой ётқизиклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда кам маълум бўлган юқори протерозой ётқизикларидаги палеонтологик объектлар.

Тадқиқотнинг услари. Қатламларни геологик қирқимларини ўрганиш, стратиграфик ажратишларни ўтказиш ва таққослашнинг энг самарали усули, стратиграфияни турли усуллариини комплекс қўллаш лозим бўлди: булар палеонтологик, литологик, петрографик, структуравий ва стратонларни ажратишга генетик ёндошишдир. Таксономик алоқадорлигини аниқлаш ва таққослаш мақсадида дунёнинг бошқа ҳудудларидаги палеонтологик объектлари ҳақидаги маълумотлар ҳам жалб қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қадимги қатламларни ажратишда ҳудудлараро ва глобал таққослаш учун палеонтологик усул Ўзбекистоннинг юқори протерозой ётқизиклари биостратиграфиясида самарали ишлатилиши мумкинлиги исботланган;

илк бор юқори протерозой свиталари биостратиграфик тузилишини ҳаққонийлигини таъминловчи, таксонларнинг хилма-хиллигини ва стратиграфик тарқалишини белгиловчи ўзига хос биоценозлар ажратилган;

илк бор ҳудудда чўкинди чўкиш жараёнига биоген омилларнинг таъсири аниқланган, бу кремнийли ва карбонатли чўкиндиларнинг кечки протерозой хавзасида шаклланишида ўша вақт биотасида энг кенг тарқалган цианобактериялар ҳаёти фаолияти билан боғлиқлиги аниқланган;

Ғарбий Ўзбекистондаги асл ва бошқа маъданлар ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнаган сувликсой свитасининг юқори протерозой вулканоген-кремний-карбонатли ётқизиклари ва уларнинг ўхшашлари маъданли

чўкиндиларнинг бошланғич она жинслари бўлиб хизмат қилганлиги исботланган.

илк бор Жанубий Тиён-Шон учун невландия биотасига мансуб кечки протерозой макротошқотишмаларига монографик таъриф берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

юқори протерозой кремнийли ва карбонатли жинслари шаклланишида биоген омилларнинг ўрни аниқланган, бу ўша вақтда мавжуд бўлган седиментацион ҳавзада қандай физик-географик шароит бўлганилигини белгиллаган;

юқори протерозой свиталари ҳосил бўлиш шароити аниқланган ва ҳозирги замон океанлари маъданли чўкиндилари билан таққосланган, бунинг асосида асл ва бошқа маъданларни қидиришнинг асосий омиллардан бири сувликсой свитаси ва унинг ўхшашлари конларнинг ҳосил бўлишида бошланғич она жинслари эканлиги исботланган.

кечки протерозой макротошқотишмалари монографик таърифланган, бунинг ёрдамида ҳудуддаги юқори протерозой тоғ жинсларининг ёши аниқланган ва ажратилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Невландия биотасининг 11 та турига мансуб 17 турдош макротошқотишмаларда олиб борилган монографик таъриф, қадимий биоталарни ўрганувчи россиялик палеонтолог-мутахассислар тамонидан апробация қилинди. Свиталарнинг геокимёвий характеристикаси олиб борилган дала ишлари вақтида тузилган лито-биостратиграфик кесма тузиш вақтида олинган 155-та намуна орқали сертификатланган юқори сезувчан оптика-эмиссион спектрометрик ICPE-9000 анализатор ёрдамида тасдиқланган ва Statistica-6 лицензияланган дастурида таҳлил қилинганлиги билан натижаларнинг ишончлилиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қизилқум-Нурота ҳудудига маъданли конларнинг ҳосил бўлишида рифтоген-спредингли шароитда шакилланган, кўпгина кимёвий элементларнинг манбайи бўлган юқори протерозой ётқизикларини аниқлашнинг илмий асоси ишлаб чиқилганида намоён бўлади. Бундай илмий асосни ишлаб чиқишда, қадимги свиталарнинг геокимёвий хусусиятларини ҳозирги замон ўрта океан тизмасидаги “қора тутун пурковчилар” фаол жойларда чўкган металли чўкиндиларни таққослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биостратиграфик, геодинамик, тектоник, геокимёвий малумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган мезонлари, геология-разведка ташкилотларида геологик-таъсвирлаш ва башоратлаш-қидириш ишлари самарадорлигини сезиларли даражада оширмоқда. Бу эса ўз навбатида олиб борилаётган геологик тадқиқот ишларининг вақтини, маблағини тежайди ва қидириш стратегиясининг ишончлилигини оширади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Нурота тоғ-маъданли худудининг юқори протерозой ётқиқиқларининг биостратиграфияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нурота тоғ-маъданли худудидagi юқори протерозой ётқиқиқларини биостратиграфик ажратиш мезонлари «Регионал геологик тасвирлаш экспедицияси» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 04/17-спр-сон маълумотномаси). Натижада юқори протерозой ётқиқиқларини тўғри ажратиш ҳамда худудлараро ва глобал таққослаш имконини берган;

ёш палеозой ётқиқиқлар билан тектоник аралашиб ётган юқори протерозой қатламларини аниқлашнинг палеонтологик мезонлари «Регионал геологик тасвирлаш экспедицияси» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 04/17-спр-сон маълумотномаси). Натижада Нурота худудидagi юқори протерозой ва ёш палеозой ётқиқиқларининг чегараларини ажратиш имконини берган;

қадимги қатламлар билан боғлиқ фойдали қазилмаларга истиқболли бўлган участкаларни аниқлаш мезонлари «Регионал геологик тасвирлаш экспедицияси» ДУК объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 04/17-спр-сон маълумотномаси). Натижада асл металлларга энг истиқболли бўлган қуйи палеозойнинг қўмирлашган майда терригенли ва терриген-карбонатли ётқиқиқлари билан тектоник алмашиниб келадиган юқори протерозойнинг қўмирлашган-кремний-карбонатли жинслари тарқалган майдонларни ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг алоҳида қисимлари ва натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Улардан 3 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда нашр этилган, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нурота худуди юқори протерозой ётқизлари стратиграфия**» деб номланган биринчи бобида юқори протерозой свиталарининг географик тарқалиши, уларни таркиби, қамровчи жинслар билан алоқалари, ёши ва ҳосил бўлишини асослаш бўйича маълумотлар берилган. Турли усуллар билан тўпланган фактик материаллар асосида свиталарнинг палеонтологик, литологик ва геохимёвий тавсифи берилди. Бу тавсифлар свиталарнинг чўкиндилари шаклланган шароитидан гувоҳлик беради. Хар бир свита ривожланган участкаларда дислокацияланган қирқимларни тузилиши, уларнинг ётиши ва қирқимга устун кўринишида реконструкцияланган стратиграфик кетма-кетлиги характерлари кўрсатилган.

Шимолий Нурота тизмасининг ғарбида учмола PR_2 (R_{1-2} ?) ва сувликсой свита (R_3) си ётқизилари ривожланган; Бешбармоқ, Парандас, Суялтош тоғлари сув айиргичларида ва тизманинг шарқий давомида Темурланг дарвозасида суялтош свитаси R_3 ; тизманинг марказий қисмининг шимолий ёнбағрида – боғамбир свитаси R_3 ; Жанубий Нуротада ва Маржонбулок баландлигида – султонбой свитаси R_3 ётқизилари ривожланган (1 расм).



1 расм. Нурота регионида токембрий ётқизиларининг тарқалиш схемаси.

Учмола свитаси - PR_2 (R_{1-2} ?) Шимолий Нурота тизмасинин ғарбий тугалланиш қисмида сувликсой свитаси (R_3) ривожланган ерларда, чекланган микдорда тарқалган бўлиб, катта бўлмаган бўлақлар кўринишида, ўзаро узилмали бузилмалар бўйича ёнма ён тарқалган. Свита қирқимини жадал езиланган, қатламлар бўйича катаклазитлашган, метаморфик ўзгарган кумушранг-кулранг, кулранг, тугунсимон ва йўл-йўл текстурали кристаллик сланецлар яшил амфиболли сланецлар билан кетма-кет келади, сланецлар актинолит, кварц, маъданли минераллардан иборат. Яшилтошли жинсларнинг бирламчи жинслар туф, базальт ва терриген ётқизилари

бўлган. Свитасининг қалинлиги 40-50 м. Эски маълумотларга кўра свитанинг U/Pb изотоп усулида аниқлаган ёши – 1474-1594 млн. йил, бу эса МСШ-2016 бўйича ўрта рифейнинг илк бошланиши ёки мезоптерозойга мос келади.

Сувликсой свитаси – R_3 sv Шимолий Нурота тизмасининг ғарбида ривожланган ва кичик очилмалар кўринишига эга бўлиб тектоник пластиналар ва тангача кўринишидаги айрим харсангсимон горизонтлари ҳосил қилади. Улар учмола PR_2 (R_{1-2} ?) свитасининг яшилтошли жинслари ичида ва қуйи консой свитасининг O_{1-2} kn метатерриген ётқизиклари ичида ётади. Сувликсой свитасининг қирқими доломитларнинг қатламлари ва линзалари, доломитлашган охактошлар ва углерод-кварц-кремнийли сланецларнинг кичик пачкаларидан иборат. Барча жинслар жадал дислокацияланган, эзилган, микробурмалар ва кливаж ривожланган, кучли метасоматик ишланган ва таркибида кечки рифей органик қолдиқлари бор Свитанинг қалинлиги 200 м. Свитасининг кечки протерозой ёши улардаги акритарх *Leiosphaeridia jacutuca* (Tim.), *Leiosphaerudia holtedahlii* (Tim.) қолдиқларининг топилмалари билан асосланади. Шу қатламларда қайтакристалланган микрофитолитлар – *Osagia aculeata* Z.Zhur. ва камазиидлардан *Camasia* sp. учрайди.

Суялтош свитаси – R_3 sl Шимолий Нурота тизмасининг жанубий ёнбағрида, унинг марказий қисмида Суялтош тоғида ривожланган. Свита атрофдаги ётқизиклар билан стратиграфик чегараси йўқ. Свита тўқ-кулранг яхлит қатламли доломит, доломитлашган охактошлардан иборат, уларнинг ичида кўнғир ва сарғиш кулранг тусдаги кремний-карбонатли жинслар қатламчалари бор. Свитанинг қалинлиги 100-140 м. Свита учун органик қолдиқлар билан тўлган органоген қатламлар-биостромалари характерли, улар орасида қуйидагилар бор: микрофитолитлар – *Gledosites guttatus* Jaksch., *Glebosites gentilis* Z.Zhur.; микрофоссилиялар – *Leiofusidium dubium* Jank., *Trechystrichosphaera parva* Mikh., *Trachyhystrichosphaera cf. ainuca* Herm., *Leiosphaeridia jacutica* (Tim); микростроматит – *Pseudogymnosolen cf. pandum* L. et L., *Floriscolumella figurata* X., *Liaoheella liaoheensis* Cao; камизид биостромалари – *Tridia koptevi* Sehip.; саралинскидлар – *Incertadia lamellifera* Schip. et Sosn., улар жойлашган жинслар кечки протерозой ёшида эканлигини кўрсатади.

Султонбой свитаси – R_3 sl Маржонбулоқ баландлигда ва Жанубий Нурота тизмасининг Султонбой кудуғи атрофида йирик бўлакли ва бўлаксимон горизонтлар кўринишида бузилмалар зонаси ва тектоник блоklarда ордовикнинг терриген жинслари орасида очилмалар ҳосил қилган, у сувликсой свитасининг ўхшашидир. Свита линзасимон шаклдаги доломитлари бўлган тўқ-кулранг йўл-йўл углеродли кварцитлардан иборат. Жинсларнинг кўп қисми брекчияланган ва кварцланиб метасоматик ўзгарган. Қалинлиги биринчи метрлардан 100 м гача. Доломитларда микрофитолитлар – *Volvatella cf. zonalis* Nar., *Nubecularites uniformis* Z.Zhur. лар Ғарбий Ўзбекистон ва б. худудлардаги шу свитанинг ўхшашлари бўлган кечки рифей комплексларида ҳам учрайди.

Боғамбир свитаси – R_3 *bg* Шимолий Нурота тизмасининг шимолий ёнбағрида, кўпроқ Боғамбир тоғида, палеозой жинслари орасида, тектоник линза кўринишида очилган. Айрим тектоник линзалар бўйича тикланган боғамбир свитасининг қирқими куйидаги кўринишда. Свитанинг куйи қисми, (қалинлиги 20-110 м) қалин ва ўртача қатламли доломитлардан иборат бўлиб, кремний-карбонатли жинслар қатламчалари билан алмашиб ётади, уларда бурмаланиш яхши акс этади. Қирқимда камазиид, невландиид ва микрофоссилия биостромларидан иборат органиген қатламлари учрайди. Қирқимнинг юқори қисми (50-115 м), қат-қатсимон, таркибида онколит бўлган органиген-бўлакли доломитлардан иборат бўлиб, улар «тоза» доломитлар ва камазиид ва невландиид бўлган қатламлар билан алмашилиб ётади. Свитанинг кечки протерозой ёши, органик қолдиқларнинг турли комплекслари билан асосланади: микрофитолитлар – *Osagia tenuilamellata* Reitl., *Osagia columnata* Reitl., *Osagia cf. alveolata* Schip. (ms). *Osagia nimia* Z.Zhur., *Osagia grandis* Z.Zhur., *Osagia corticosa* Nar., *Osagia nersinica* Jaksch., *Volvatella zonalis* Nar., *Ambigolamellatus horridus* Z.Zhur., *Vermiculites anfractus* Z.Zhur.; невландиидлар – *Clatristroma aff. tarnovskii* Posp., *Clatristroma (Cyclitina) sp.* *Clatristroma sp.*; камазиидлар – *Camasia alta* Sosn., *Caryschia sp.* *Caryschia aff. magna* Sosn., *Camasia modica* Sosn., *Phumifascicularia sp.*; устунсимон ғудда шакли страматолитлар – *Frutexina aff. rubia* Raaben; акритархлар – *Leiosphaeridia crassa* (Naum.), *Leiosphaeridia holtedahlii* (Tim.), *Leiosphaeridia jacutica* (Tim.), *Leiosphaeridia minutissima*, (Naum.), *Margominuscula rugosa* (Naum.), *Chuaria circularis* Wal.; ипсимон цианобактериялар (топилган ери ўша жой) *Tortunema sibirica* Herm., *Palaeolynghya catenata* Herm., *Emycetopsis typicus* (Herm.). Свитанинг қалинлиги 225 м.

«Юқори протерозой ётқизиклари шаклланишининг палеофациал шароити» номли иккинчи бобда юқори протерозой кремний-карбонатли ётқизикларини палеофациал шароити ва ҳосли бўлиш механизми кўриб чиқилган. Физик-географик ва геодинамик шароитини аниқлаш усуллари изоҳланган. Литологик, палеонтологик ва палеоэкологик мезонлар асосида сувликсой, суялтош, боғамбир, султонбой свиталари шаклланган палеофациал шароит хусусиятлари аниқланди. Бу свиталар чўкиндилари палеошароитининг шаклланиш диагностикаси лито-биофациал таҳлил билан аниқланган, бу ҳозирги замон денгиз ва океанлар хавзасида чўкинди ҳосил бўлиш хусусиятлари билан таққослашга асосланган.

Ғарбий Ўзбекистон ҳудудида, шу жумладан Нурота регионида, кечки токембрий даврида Палеоосиё океани четки сувли хавза қисми кенг эгаллаган, шу ерда тарқоқ спрединг жараёнлари кечгани эхтимолдан холи эмас.

Хавзанинг марказий қисмларида рифтоген-спредингги режим бўлган, денгиз ости кўтарилмаларида базальтоидларни ёриқлардан куйилиши фонида *сувликсой, султонбой свиталари* ва уларнинг Қизилқумдаги ўхшашлари *кўкпotos ва тасқозгон* свиталарининг вулканоген-кремний-карбонатли чўкиндилари тўпланган. Ўзига хос шароитга кўра уларнинг чўкиндилари

турли кимёвий элементлар билан бойиган, кейинроқ эса улар Қизилқум-Нурота регионидаги кўпгина маъданли конлар шаклланишида қатнашган.

Бу хавзаннинг чекка қисмларида денгиз тубининг кўтарилмаларида, вулкон фаолияти ва вулкон ороллари ореоллари яқинида *боғамбир свитасининг* кремний-карбонатли чўкиндилари шаклланган. Бўлакли текстуранинг борлиги чўкинди чўкиш вақтида шароитнинг нотич бўлмаганлигидан дарак беради. *Суялтош свитаси* чўкиндиларининг тўпланиши вулкон фаолиятдан анча узоқликдаги хавзалар, магнезит-кальцитли элементлар билан тўйинган, тинч сувли муҳитда, тектоник жараёнлар суст бўлган шароитда ҳосил бўлган. Биотоп жойлашган жойдаги шароит, кечки протерозой биотасини ривожланиши учун жуда мос бўлган ва кўпсонли ҳамда кичик қалинликдаги биостром қолдиқларини барпо қилган.

Карбонатли ва кремнийли жинсларни пайдо бўлишида биоген омили катта рол ўйнаган. Кечки протерозойда цианобактерияларнинг кўпчиликти ташкил қилиши, бу биоталар денгиз сувидан катта миқдордаги CO_2 ни ажратиб олиб ўзига сингдириши, муҳитда pH ни ортишига олиб келди ва магнезиал бирикмаларни биокимёвий чўкитирди. Шу билан юқори протерозойда доломитлар ва протодолломитларнинг кенг ривожланганлиги, уларнинг шаклланишида цианобактериялар катта рол ўйнаганлигини англаш мумкин.

Диссертациянинг учинчи **«Кечки протерозой биотасининг биостратиграфик потенциали»** бобида юқори протерозой ётқизикларининг ёшини, бўлинишини ва бир бири билан таққослаш учун палеонтологик усулнинг имкониятларидан фойдаланиш кўрсатилган. Биостратиграфик қурилмаларининг ишончлилиги стратонларнинг комплекс палеонтологик тавсифлаш орқали, органик қолдиқлари гуруҳларининг турли таксономик мансублиги ва генезисини тавсифлаш билан эришилади. Уларни мансублиги ва генезиси бошқа регионлар токембрий ётқизиклари ёшини изотопли аниқланган ўхшаш шакллари билан идентификацияланган бўлиши керак. Нуротанинг қирқимлари турли гуруҳдаги органик қолдиқларни биргаликда топилиб тавсифланганлиги билан характерланади, бу эса юқори ишончликда улар бўйича қамровчи жинслар ёшини аниқлаш ва бошқа стратиграфик операцияларни ўтказиш имконини беради.

Бу ерда муаммо шундаки, кечки палеозой коллизияси натижасида, бир вақтлари токембрийнинг ва қуйи палеозойнинг қирқимлари ягона бўлган бўлса улар кейин бузилиб фрагментлари ҳудудда ёшроқ палеозой ҳосилалари билан яқинлашиб қолган ва биргаликда эзилган, бу эса уларни аниқлашни қийинлаштиради. Бундай ҳолларда уларни аниқлашда ва қатламланишини кетма-кетлигини тиклаш учун палеонтологик усул қўлланилади, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича юқори токембрийнинг стратиграфик масалаларини ҳал қилиш учун қўлласа бўлади.

Австралия, Америка, Россия, Украина, Хитой, Ўзбекистоннинг Қизилқум-Нурота регионида ва дунёнинг бошқа регионларида жуда қадимий биотанинг топилиши, ўша вақтлардаги биосфера кўпхужайрали организмларни пайдо қилиш хусусиятга эгаллиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу

топилмалар нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Ўзбекистон геологлари орасидаги Ғарбий Ўзбекистондаги токембрий хосилаларининг хажмлари, чегаралари ва ҳатто бор-йўқлиги ҳақидаги тушунчалар орасидаги зиддиятларни ҳал қилиши мумкин.

Кўп йиллик биостратиграфик тадқиқотлар билан исботландики, Жанубий Тиён-Шоннинг Қизилқум-Нурота региони ҳамма жойида юқори протерозой ётқизиклари бой органик қолдиқ комплексларини ўзида мужассам қилиган, буларга ўхшаш биоталар дунёнинг бир бирдан узоқ бўлагн ҳудудларидаги юқори токембрий қирқимларида ҳам маълум: Америка, Скандинавия, Украина, Россия, Қозоғистон, Хитой, Монголия, Соудия Арабистони, Хиндистон (1 жадвал).

Ўрганилаётган регионда микрофоссилиялар асосий гуруҳлардан бири бўлиб, улар бўйича камровчи жинслар ёшини мувоффақиятли аниқлаб келинмоқда ва корелляция амалга оширилмоқда. Бу биотанинг гуллаб-яшнаши ва кенг тарқалиши ушбу биота яшаши учун мос шароитни борлиги бўлган. Кечки протерозой хавзасида чўкинди жинслар ҳосил бўлишида цианобактерия биота катта рол ўйнади, улар карбонат-кремнийли моддаларни чўкишида ва седиментацион-органоген хосилалар – строматолитлар ва микрофитолитларни шаклланишида фаол қатнашди. Уларнинг баъзибир гуруҳлари («мовий яшил»- цианофитлар) планктонли микрофоссилиялар билан бирга кечки токембрий биостратиграфияси учун аниқ палеонтологик малумотлар беради.

Кўрсатилган свиталарнинг юқори протерозой кремний-карбонатли ётқизикларида, микрофоссилиялардан ташқари катта миқдорларда невландий биотасининг турли гуруҳлари бор – денгиз организмлари туркумлари учрайди. Бу тошқотмалар қатламсимон бирнеча сантиметр қалинликдаги биостромалардир. Улар орасида морфологик белгиларига кўра гуруҳлар ажратилади, бу гуруҳларни илгари Ч. Уолкотт, А.Г. Поспелов, П.С. Краснопеева, В.А.Шипицин, О.В.Сосновскаялар изоҳлаганлар: *Newlandiida* (учта турни ўз ичига олади – *Clatristroma* ва *Newlandia*), *Camasiida* (*Camasia*, *Tridia*, *Plumifascicularia*, *Caryshia* туридан), *Saralinskiida* (*Saralinsia* ва *Incertadia* туридан). Бу тошқотмалар гуруҳи ўрта рифей ётқизикларидан (1,4-1,5 млрд. йил) Белт Монтана (АҚШ); Австралиянинг юқори протерозойидан (670 млн йил); Африка, Намибиянинг Жанубий қисмидан (548±1 млн йил); Олтой-Саян бурмали областидан, Сибир, Хинганда (Россия) изоҳланган.

Диссертацияда 11 та макро- ва микроорганик қолдиқларни тавсифи келтирилган, бу гуруҳлар ўрганилаётган регион токембрий стратиграфия масалаларини ҳал қилишда қатнашган. Бундай ахборот қадимий биотанинг ўзига ҳослигини унинг вақт ва маконда эволюциясини, палеозойга нисбатан ўзига хос фарқларини, регионнинг геологик ривожланиш тарихини янги авлод геологик карталарини тузишда билимларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Нурота регионидан ва Марказий Қизилқумнинг атроф районларида қадимий токембрий қатламлари ёшини, уларнинг қирқимларини ажратишда ва корреляциясида 57 турдан ортиқ таксондан иборат турли систематик

мансубликка эга гурухлар катнашади. Уларнинг стратиграфик ўрни дунёнинг кўпгина регионлари бўйича юқори токембрий ётқизикларининг кўпсонли қирқимлари бўйича аниқланган. Нурота ҳудудида бугунги кунга келиб кечки протерозой биотасининг 93 топилган жойлари маълум (1 жадвал).

Фитолитлар – Фитолитларга дунёнинг кўп регионларидаги токембрий ётқизикларида кенг тарқалган микрофитолитлар ва строматолитлар кирази. Улар Ўзбекистоннинг Қизилкум-Нурота региониди хам кенг ривожланган. Бу ҳосилаларнинг генезиси муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар маълумотлари бўйича фитолитлар цианобактериялар ҳаёти фаолияти натижасидир.

1 жадвал

Нурота региониди топилган кечки протерозой органик қолдиқларининг стратиграфик ва географик тарқалиши

Турлар	Нурота топилишлари					Дунёнинг бошқа регионлари								
	Қизилкум	Қизилкум	Қизилкум	Қизилкум	Қизилкум	R ₁	R ₂	R ₃	R ₄	R ₅	R ₆	R ₇	R ₈	R ₉
СТРОМАТОЛИТЛАР														
<i>Fraxinea aff. rubra Roth.</i>														
<i>Platystrophia figurata Xiao</i>														
<i>Lianhuella bocheensis Cao</i>														
<i>Pseudostromatolites cf. panchui Lin et Lin</i>														
МИКРОФИТОЛИТЛАР														
<i>Glebovites gentilis Z. Zhur.</i>														
<i>Glebovites guizhou Jaksch.</i>														
<i>Neobacillaria uniformis Z. Zhur.</i>														
<i>Quagga aculeata Z. Zhur.</i>														
<i>Quagga columnata Beal</i>														
<i>Quagga corticata Nur.</i>														
<i>Quagga grandis Z. Zhur.</i>														
<i>Quagga nimia Z. Zhur.</i>														
<i>Quagga neratinica Jaksch.</i>														
<i>Quagga tenuifimbriata Beal</i>														
<i>Vermiculites ambigua Z. Zhur.</i>														
<i>Wulfoella zonella Nur.</i>														
<i>Wulfoella horrida Z. Zhur.</i>														
НЕКЛЕИДИЯ БИОТАСИ														
Неклевидиялар														
<i>Neolimella frondosa Hale.</i>														
<i>Neolimella melanostoma Abi et Kold.</i>														
<i>Neolimella aff. mobilis Krast.</i>														
<i>Clavistoma turanensis Popr.</i>														
<i>Limella annulata Sison.</i>														
Клевидиялар														
<i>Clavella modica Sison.</i>														
<i>Clavella aff. alta Sison.</i>														
<i>Clavella sp.</i>														
<i>Clavella (?) alveolata Sison.</i>														
<i>Clavella magna Sison.</i>														
<i>Clavella (?) cf. producta Sison.</i>														
<i>Platella kumovi Sison.</i>														
<i>Platella (?) cf. dentata morpho.</i>														
<i>Platella (?) cf. modica Sison.</i>														
<i>Stellatella lamellata Abi et Kold.</i>														

Цианобактериялар цианобионитлар оламига (*Regnum Cyanobionta*) – ядроси ажралмаган клетка шакли турғун якка ва колониал организмлар. Якка шакллилиар ўлчамлари микроскопик – 10 мкм дан катта эмас, улар барпо қилган колониялар ўнлаб ва юзлаб метрга етиши мумкин. Колониал шакллари умумий шиллиқ парда билан қопланган бўлиб, уларда карбонатлар тўпланиб охактошлар ва доломитларни шаклланишига олиб келади. Булар биринчи фотосинтез қилувчи организмдирлар.

Микрофитолитлар – микрофитолитларга мансуб ҳосилалар бўлиб, хаворанг яшил цианобактерияларнинг ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлганлар ва структуравий биолитдирлар. Ўзининг келиб чиқиши бўйича улар страмолитларга яқин, бироқ улардан фарқи субстратга боғланган эмас. Улар сув ости тўлқинлари ва оқимларининг думалатишлари натижасида қатламли ғуддалар ҳосил қиладилар. Микрофитолитлар аниқ таксономик белгига эга бўлиб токембрий стратиграфияси учун аҳамиятга эга. Микрофитолитларнинг морфологияси цианобактериал ценозлар билан боғлиқ бўлиб уларнинг морфологик хусусиятларининг ўзгариши эса цианобактерияларнинг эволюцияси билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб улардан биостратиграфик тузилмаларда кенг фойдаланиш мумкин.

Страматолитлар – орғано-седиментацион қатламли қурилмалардан иборат бўлиб, бактериялар ва цианобактериялар ҳаётининг ўзига хос излари-биологик ва абиотик омилларнинг ўзаро ҳаракати натижасида ҳосил бўлганлар. Страматолитлар 3,5 млн. йил ёшли жинслардан маълум. Улар 1650-678 млн. йил орғалиғида, юқори протерозойда энг кўпайган йиллари бўлди. Бу гуруҳ билан шуғулланган тадқиқотчилар (И.Н. Крылов, Т.А. Дольник, М.Е. Раабен) нинг фикрича бу сатҳдаги строматолитлар ассоциацияси бир-биридан ажралиб туради, шунинг учун улардан токембрий стратиграфиясида фойдаланилса бўлади. Нурота регионида строматолитли биолитлар жуда майда строматолитлардан иборат ва улар М.Е. Раабен таъмондан микростроматит – мустақил снифига ажратилган. Булар Ўзбекистонда рифей микростроматитларининг биринчи топилмаси, В.С. Корсаков, В.В. Макарихин ва бошқалар томонидан 1995 йилда изоҳланган. Суялтош свитасида топилган микростроматитлар *Pseudogymnosolenaccae* оиласига мансуб ва уч тур токсонлардан иборат: *Pseudogymnosolen Pandum* Liang et Liu, *Floriscolumella figurate* Xiao, *Lischeella liacheensis* Cao.

Акритархлар токембрий ётқизикларида катта миқдорларда учрайдиган планктон орғаноген микрофоссилиялар гуруҳидан иборат. Улар шарсимон, эллиптик, дискоидал шаклга эгалар; ўлчамлари 7-10 мк дан 200-500 мк, камроқ ҳолларда ҳам кўп, акритарх қобиқлари бирқаватли ёки кўпқаватли; юзалари силлиқ, ғадир-будир, қавариқ. Ҳозирги тушунчалар бўйича акритархлар денгиз бирклеткали фитопланктон микроорганизмларга мансуб. Планктонли орғанизм бўлгани учун акритархлар очик хавзаларда тез тарқалиб кетганлар, жуда катта узоқликдаги майдонларга тарқалиб, маълум турғун ассоциациялар ҳосил қилганлар. Бундай ҳол ушбу гуруҳдан стратиграфик мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

